

CISTANCHE MONGOLICA ЭКСТРАКТИНИНГ ФАРМАКОТОКСИКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Нодира Мухторовна Маматова

Тошкент педиатрия тиббиёт институти т.ф.д., доцент

Нигина Фуркат кизи Рахимова

Тошкент давлат стоматология институти асистент

АННОТАЦИЯ

Ушбу илмий мақолада супурги оиласига мансум ўсимлик туркумига мансуб *Cistanche mongolica* ўсимлигининг токсик фармакологик хусусиятлари кўрсатилган. Ҳозирги вақтда маҳаллий ўсимликлардан самарали доривор моддаларни топиш жуда муҳим саналади [1;3;5]. *Cistanche* ўсимлигидан олинган анъанавий хитой табобатида кенг қўлланилади. *Cistanche tubulosa* хорижда остеопороз, Альцгеймер касаллиги ва эркаклар жинсий дисфункцияларини даволашда кенг қўлланилади. *Cistanche Herba* буйрак етишмовчилиги, импотенция, аёллар бепуштлиги, патологик ажралмалар, оғриқли ҳайз кўришда, қарияларда қабзиятни даволашда қўлланилади [2;4]. Ўзбекистонда Фарғона вилоятида ўсадиган *Cistanche mongolica* турларининг айrim фармакологик хусусиятлари ва ўткир заҳарлилиги ўрганилиб таҳлил қилинди.

Калит сўзлар: *Cistanche mongolica*, ўсимлик экстракти, фармакология, ўткир токсиклик, модда, доривор, даволаш.

КИРИШ

Cistanche mongolica ўсимлигининг ер усти ва ер ости қисмларидан ажратилган экстрактнинг ўткир фармакотоксикологик хусусиятларини аниқлаш.

Тажрибалар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Академик С.Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси инстититутида ўtkazildi. Тадқиқот обьекти – Фарғона вилояти Ёзёвон туманида жойлашган давлат табиат ёдгорлиги мажмуасидан йифиб олинган *Cistanche mongolica* ўсимлигининг ер усти ва ер ости қисмларидан 80% ли этанол билан экстракция усулида ажратиб олинган экстракт. Ҳайвонлар тасодифий танлаб олинди, лаборатория шароитларига мослашиши учун



қабул қилиш бошланишидан камида 5 кун олдин ўз қафасларида сақланган. Тажрибалар виварий шароитида ўтказилди ва оғирлиги 18-22 гр бўлган 60 та ургочи оқ сичқон устида кузатув олиб борилди. Тажриба давомида оғиз орқали юборилган модданинг ўткир токсиклиги аниқланди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Умумий фармакологик тажрибалар 200-220 гр оғирликдаги қуён, денгиз албинос-чўчқалари ва оқ қаламушларда ўтказилди. Хайвонлар билан бўлган барча муолажалар илмий мақсадларда тажрибалар учун ишлатиладиган умуртқали ҳайвонларни ҳимоя қилиш бўйича Европа конвенциясининг халқаро тавсиялари талабларига мувофиқ амалга оширилди [6]. Дори шаклининг маҳаллий таъсирловчи хусусият берувчи таъсирини ўрганиш учун препарат қуёнлар орқа (4x5см) терисининг олдиндан кесилган жойига суртиш орқали тажрибалар ўтказилди. *Cistanche mongolica* экстракти ҳар куни 20 кун давомида 4 томчи эритма сифатида қўлланилган. Ҳайвонларнинг назорат гурухига худди шундай шароитда эритма билан ишлов берилди. Препаратнинг кўзнинг шиллиқ қаватига таъсирловчи хусусиятини ўрганиш учун қуёнларнинг коньюктива қопига томизилди. Тажрибаларда препаратнинг кумулятив хусусиятини ўрганиш учун оқ қаламушларга оғиз орқали юборилди. *Cistanche mongolica* экстракти ҳар куни 20 кун давомида 50 мг/кг; 100 мг/кг ва 200 мг/кг дозаларда қўлланилган. Худди шундай шароитда ҳайвонларнинг назорат гурухига шўр эритма юборилди. Тажриба давомида ҳайвонларнинг умумий ҳолати, вазни, ҳатти ҳаракати, юнгли терисининг ва шиллиқ пардаларнинг ҳолати, озиқ овқат ва сув истеъмол қилиши назорат қилинди. Препаратнинг чақириши мумкин бўлган аллерген таъсирини ўрганиш бўйича тажрибалар албинос денгиз чўчқаларида ўтказилди. Препаратнинг анафилактик фаоллигини баҳолаш анафилактик шок (1гр), фаол тери анафилаксиси (2 гр) моделида ўтказилди. Биринчи гурухдаги албинос денгиз чўчқаларига препарат қўйидаги схема бўйича киритилди: учта сенсибилизация чақирувчи доза инъекция орқали амалга оширилди, биринчи доза тери остига, кейинги икки дозаси мушак ичига кунаро юборилди. Препаратнинг белгиланган дозаси тажрибанинг 21 куни ҳайвонларнинг қорин бўшлиғига киритилди. Назорат гурухидаги ҳайвонларга худди шундай схема бўйича 21 куни препаратнинг ҳал қилувчи дозаси юборилди. Тери анафилаксисини ўрганишда 2-чи гурух албинос денгиз чўчқаларининг кесилган орқа қисмига 0,05 мл препарат эритмаси интерадермал тарзда юборилди. Фаол тери анафилаксисини баҳолаш 0,5 мл 1% ли Эванс кўй

эритмасини томир ичига юбориш ёрдамида амалга оширилди. Назорат гурухидаги имминизация қилинмаган ҳайвонларга белгиланган дозадаги препарат ва Эванснинг кўк эритмаси схема бўйича юборилди. Ўттиз дақиқадан сўнг ҳайвонлар сўйилди (эфир бехушлиги остида) ва инъекция жойида теринг ички томонидаги кўк нукта ҳажми аниқланди. Тадқиқот давомида олинган миқдорий маълумотлар Статистика 6-версиясидаги вариацион статистика усулидан фойдаланган ҳолда Студент t-критерийси ёрдамида таҳлил қилинди Stat.Soft. Inc.(2001) ва статистик фармакологик самарадорликни баҳолаш жадвали асосида рақамли тезлаштирилган усул билан таҳлил қилинган.

НАТИЖАЛАР ВА УНИНГ МУҲОКАМАСИ

Cistanche mongolica ўсимлигининг ер усти ва ер ости қисмларидан ажратилган экстрактнинг ўткир токсикологик хусусиятларини аниқлаш урғочи оқ сичқонларда ўтказилди. Тажрибалар давомида синов моддаси оғиз орқали 1000 мг/кг дан 10 000 мг/кг гача бўлган дозаларда юборилди ва дастлабки 3-4 соат ва 7-14 кун давомида кузатилди. Кичик дозаларда деярли ҳеч қандай ножӯя таъсирлар кузатилмади. 8000 мг/кг дозадан ошиб кетганда, дастлаб тез нафас олиш, тез юрак уриши ва ҳаракатланишининг пасайиши кузатилди. Дозанинг ошиши билан дастлабки 3-4 соат ичида ўлим кузатилмади. Тадқиқотлар натижасида олинган кўрсаткичлар куйидаги 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Оқ сичқонларда *Cistanche mongolica* ўсимлик экстрактнинг ўткир токсиклиги натижалари

№	Модданинг номи	Доза мг/кг	Ҳайвонлар сони	Ўлган ҳайвонлар сони	Тирик колган ҳайвонлар сони	Тирик қолган ҳайвонлар сони %
1.	<i>Cistanche mongolica</i>	1000	10	0	10	100
2.	<i>Cistanche mongolica</i>	3000	10	0	10	100
3.	<i>Cistanche mongolica</i>	5000	10	0	10	100
4.	<i>Cistanche mongolica</i>	7000	10	0	10	100
5.	<i>Cistanche mongolica</i>	8000	10	0	10	100
6.	<i>Cistanche mongolica</i>	10 000	10	0	10	100

Тажрибалар натижасида LD 50 ўртача ўлдирадиган дозаси *Cistanche mongolica* ўсимлиги экстрактининг ўткир токсиклиги оғиз орқали юборилганда 10 000 мг/кг дан ошди. Ўткир токсиклик нуктаи назаридан, модда деярли заарсизdir ва V синфга тегишли. Тажрибаларда препаратнинг таъсирловчи хусусиятини



ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотлари шуни кўрсатдики, терига такорий суртиш (20 марта) билан препарат терини безовта қилмайди. Кўзнинг конъюктива қопига киритилганда шиллиқ қаватнинг гиперемияси ва ёш оқиши кузатилмади.

Препаратнинг кумулятив хусусиятини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, эксперемент давомида препарат ҳайвонларнинг умумий ҳолати ва ҳатти ҳаракатларида сезиларли ўзгаришларга олиб келмади. Тери томонидан (инъекция жойи) кўринадиган ўзгаришлар қайд этилмади. Барча ҳайвонлар овқатни яхши истеъмол қилишди, вазни ортди. Ҳайвонларнинг ўлими қайд этилмади. Шунинг учун *Cistanche mongolica* ўсимлигининг экстракти ҳайвонлар организмида моддий тўпланиш хусусиятини намоён этмади. Препаратнинг мумкин бўлган аллерген таъсирини ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, 1-гурух албинос денгиз чўчқаларида препаратнинг ҳал қилувчи дозаси киритилгандан сўнг уларда анафилактик шок белгилари кузатилмади. Барча ҳайвонларнинг умумий ҳолати ва хулқ атвори ўзгармади, соchlари, териси ва кўринадиган шиллиқ пардалари соғлом ҳайвонлар гурухидан фарқ қилмади. 2-гурух ҳайвоналарида терининг тескари томонидаги доғ ўлчами 5 мм дан ошмади. Шунинг учун *Cistanche mongolica* ўсимлигининг экстракти аллерген таъсирга эга эмас.

Cistanche mongolica ўсимлигининг экстракти қайта қайта қўлланилганда кумулятив ва аллерген таъсирлари юзага чиқмади. Узок муддатли қўлланилганда ҳайвонларнинг организмига токсик таъсир кўрсатмади ва инъекция жойида безовта қилувчи таъсирга эга эмас.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, *Cistanche mongolica* ўсимлигининг экстрактининг ўткир захарлилиги оғиз орқали юборилганда 10 000 мг/кг дан ортиқ эканлиги аниқланди. Ўткир токсиклик нуқтаи назаридан, модда амалда заарсиз бўлиб, V синфга тегишли. Ўрганилаётган дозаларда 50 мг/к; 100 мг/к ва 200 мг/к дан юборилганда терини безовта қилмайди. Кўзнинг конъюктива қопига киритилганда шиллиқ қаватнинг гиперемияси кузатилмади ва ёшланмади. Препарат кумулятив ва аллергик таъсирга эга эмас.

REFERENCES

- Турсунов Ж.И., Ибрагимов А.А., Курбанов Б.И. *Cistanche Mongolicans* макро- ва микроэлемент таркиби G.Beck //

- Universum: кимё ва биология: электрон. илмий журн. 2020. № 9 (75).
2. Y. Jiang, P.-F. Tu, Analysis of chemical constituents in Cistanche species, J. Chromatogr. A 1216 (2009) 1970–1979.
3. Растительные ресурсы, России и сопредельных государств, Часть II, Санкт-Петербург «Мир и Семья – 95», 1996г, 289-стр
4. Zhifei Fu, Xiang Fan, Xiaoying Wang, Xiumei Gao. Cistanches Herba: An overview of its chemistry, pharmacology, and pharmacokinetics property Journal of ethnopharmacology Volume 219. 12 June 2018 Pages 233-247
5. Ўзбекистон флораси, Том –V, Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти. Тошкент -1961, С-505
6. European Convention for the Protection of Vertebrate Animals Used for Experimental and Other Scientific Purposes, ETS №123, Strasbourg (1986).